



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 октябрь куни Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари, саноат ва савдо вазири, Ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳамраиси Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Комиссия фаолиятининг асосий натижалари, жумладан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноатда, ёқилғи-энергетика мажмуида, кимё, фармацевтика,

тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳаларини амалга ошириш муҳимлиги кайд этилди.

Ўзбекистон ва Россиянинг етакчи корхоналари ўртасидаги амалий шерикликини кенгайтириш бўйича икки томонлама дастурни тайёрлашга келишиб олинди.

Қўшма Лойиҳа офисинининг самарали фаолиятини давом эттириш, бизнес ташаббуслари ва ҳудудлараро алмашинув лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА ИШЛАР ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 24 октябрь куни куз-қиш мавсумида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа муассасаларининг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича йиғилиш ўтказди.

Маълумки, жорий йил 23 сентябрда бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинган. Ҳар бир вилоят, туман ва йўналишлар кесимида алоҳида режа-жадваллар ҳамда чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, манбалари белгиланган.

Йиғилишда энергетика вазири ва вилоят ҳокимлари бу борада бажариш лойиҳаларини ҳисобот берди.

Кайд этилганидек, аҳолини, аввало, электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Бунинг учун тўртинчи чорақда 21 миллиард килловатт соат, келгуси йил бошида қарийб 22 миллиард килловатт соат электр ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шунингдек, куз-қиш мавсумида аҳолига 10 миллиард куб метр табиий газ етказиб берилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари бу жараёнда исрофга йўл қўймаслик учун газ кудукларидан истеъмолчигача бўлган тизимни тўлиқ рақамлаштириш бўйича кўрсатма берди.

Табиий газ тармоғидан узокдаги қишлоқ ва овуллар, ижтимоий объектларга суюлтирилган газ ва кўмир етказиб берилди. Президентимиз қайси ҳудудга яна қўшимча захира керак бўлса, таъминлаб берилишини таъкидлади.

— Барча тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари бу масалада масъулиятини

иқти карра ошириб, аҳолини рози қилиши, ҳеч бир мурожаатни эътиборсиз қолдирмасдан, тезкор ҳал этиши лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Энергетика вазири билан таъминлаш манбалари билан таъминланганлик ҳолатини реал вақт тартибда мунтазам назорат қилиб бориш топширилди. Юзага келадиган муаммоларни бартараф этишда “колл-марказ”лар ва ҳудудий ишчи гуруҳлар фаолияти муҳим экани кайд этилди.

Энергия манбаларини иқтисод қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Дунёда энергетика соҳасида рўй бераётган муаммолар минтақамизга ҳам таъсир кўрсатаётгани, бундай вазиятда тежамкорлик долзарб экани айтиб ўтилди. Шу боис, барча муассасаларда энергия тежовчи технологиялар ўрнатилиши, одамларнинг бу борада дахлдорлигини ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда корхоналарни молиявий соғломлаштириш, тижорат банкларининг барқарорлигини ошириш масалаларига тўхталиб ўтилди. Кредитлар эвазига ишга туширилган лойиҳаларни тўлиқ қувватга олиб чиқиб, уларнинг муддати ўтган қарздорлигини камайтиришга кўмаклашиш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз ички ишлар органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, халқимиз осойишталиги ва жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорлиқни мустақамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ибратли фаолияти, шарафли бурчини бажаришда мардлик ва жасорат

намунасини кўрсатгани, ёш авлодга она Ватанга муҳаббат ва сардорлик руҳида тарбиялаш борасидаги алоҳида хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Мардлик” ордени билан

Собиров Азизбек Улугбекович — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирилик бошқарма бошлиғи



Давоми 2-бетда

25 ОКТАБРЬ — ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ ТАЯНАДИГАН АСОСИЙ УСТУН — ҚОНУН

УНИНГ КУЧИНИ АМАЛДА НАМОЁН ЭТАДИГАН ЭНГ САМАРАЛИ ТИЗИМ
ЭСА ИЧКИ ИШЛАР СОҲАСИ

Бу йил мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитети, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Ўзбекистон Ички ишлар органлари фаолиятининг 31 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан Янги Ўзбекистон ички ишлар органларининг бугунги киефаси ҳақида сўз юритишни жоиз топдик.

Маънавий-маърифий тараққиётнинг умумэтироф этилган тамойилларидан бири — инсонпарварлик. Тамаддун ўлчами — инсоннинг тинч яшаш ҳуқуқини, кадр-қимматини ҳимоя қилиш ва ҳар бир шахсоннинг эркин ҳаёт кечирishi

таъминлаш. Шу маънода, ички ишлар органлари мамлакатда жорий этилган қоидаларга талаб даражасида амал қилиниши, давлат стратегияларини ҳимоялашда муҳим ўрин тутди.

Давоми 5-бетда

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Ҳурматли ички ишлар тизими ходимлари!

Қадри офицер ва генераллар, сержант ва сафдорлар!

Муҳтарам фахрийлар!

Аввало, сизларни 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари куни билан чин қалбидан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, халқимиз сизларни ўз ҳаётини эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек олижаноб ишга бағишлаган, муқаддас қасамёдига содиқ инсонлар деб билади ва машаққатли хизматингизни муносиб эътироф этади.

Янги Ўзбекистонда “Инсон қадрини унун” деган эзгу тамойил асосида олиб бораётган ислохотларимизни ҳаётга муваффақиятли жорий этишда ички ишлар тизими ходимлари давлатимиз ва жамиятимизнинг мустақам таъинчи бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда дунёда ҳукм сураётган мураккаб ва таҳликали шароитда мамлакатимиз ҳавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустақамлаш қанчалик муҳим вази-фа эканини барчамиз яхши англаймиз. Шу боис, кейинги йилларда ички ишлар тизимини ислох қилишга устувор эътибор қаратилмоқда.

Бу борада барча ҳудудларимизда ҳавфсиз шароит яратиш, тинчлик ва осойишталикка қарши таҳдидларга тўлиқ барҳам бериш мақсадида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси-нинг жамоат ҳавфсизлиги концепцияси ҳамда 2022-2025 йилларда жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур ҳужжатларга асосан, илк бор ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролар ҳавфсизлигини ишончли таъминлаш бўйича 10 та давлат идорасининг ҳамкорликда ишлаш механизми ва вазифалари белгилаб берилди. Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга қаратилган замонавий иш услублари амалиётга таъин этилмоқда.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг сабабларини бартараф этиш мақсадида ҳуқуқбузарликларни “маҳаллабай” ва “соҳабай” муҳокама қилиш тизими жорий қилинди. Жиноятлар нисбатан кўп содир этилган маҳаллаларда ташкил этилган ҳуқуқтартибот масканларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг биргаликдаги фаолияти йўлга қўйилди.

Воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни кенг тарғиб этиш ҳамда турли салбий иллатларнинг олдини олиш мақсадида мактабларда 2 мингдан ортиқ инспектор-психолог лавозимлари жорий этилди ва бу узининг дастлабки ижобий самараларини бермоқда.

Профилактика инспекторининг маҳаллада ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли билан ҳамкорликдаги фаолиятининг йўлга қўйилгани кўплаб ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш ҳамда хотин-қизларни зувронлик ва турли таъинқлардан ҳимоя қилиш учун шароит яратмоқда.

Ички ишлар органларининг кундалик фаолиятини инновацион ёндашувлар, рақамли технологиялар ва илм-фан ютуқларига таянган ҳолда ташкил этиш, фуқароларнинг ҳаёти, қадр-қиммати ва мол-мулкни кибермақолада ишончли ҳимоя қилиш бўйича илғор хорижий таъинбалар асосида самарали методикалар ишлаб чиқаришга алоҳида таъинқлаш лозим.

Ўтган йилдан бошлаб жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича барча ариза ва хабарларни автоматлаштирилган тарзда қайд этиш

“102” тизими жорий қилинди. Вилоят марказлари ва йирик туманларда 75 та ситуацион марказларнинг ташкил этилгани кўча ва жамоат жойларида вазиятни масофадан туриб кузатиш ҳамда аҳоли осойишталигини таъминлашга қаратилган куч ва воситаларни самарали бошқариш имкониятини яратди.

Ҳаётимизнинг барча жаҳалари қатори ички ишлар органлари фаолиятини либераллаштириш, соҳада очкилик ва ошқоралик муҳитини кучайтириш, инсонпарвар ва халқчил тизимга айлантириш мақсадида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда, соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали фуқароларнинг шахсини аниқлаш учун уни ички ишлар органларига олиб келиш амалиётидан воз кечиб, электрон қурилма ёрдамида аниқлаш тизимини жорий этиш устида ишлар олиб бори-лмоқда.

Ўтган йили қабул қилинган “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси”нинг ҳаётга изчил таъинқ этилиши натижасида соҳа ходимларида ватанпарварлик руҳини кучайтириш, уларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, муомала маданиятини юксалтириш бўйича амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар аҳоли билан ишлаш амалиётига ижобий таъсир кўрсатди.

Тизимда эришилган ютуқларнинг ёрқин намунаси сифатида маънавий-маърифий тарғибот йўналиши бўйича “Энг намунали вазирлик ва идора” танловида Ички ишлар вазирилик жамоаси 2021 йилда иккинчи ўринни, жорий йилда эса фахрли биринчи ўринни қўлга киритганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Ҳурматли соҳа вакиллари! Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, унинг таркибий тузилмаларини оптималлаштириш, аҳоли осойишталигини таъминлаш, соҳада коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилган ишларимиз бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

Бугунги кунда мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, кейинги йилларда орттириган таъинбалардан, илғор хорижий ютуқлардан фойдаланган ҳолда, соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтариш энг муҳим вазифалардан бирidir.

Бу борада мамлакатимизда “Қонун — устувор, жиноятга жазо муқаррар” деган қонидани ҳаётга таъинқ этишда аввало халққа энг ақил касб эгалари сифатида ички ишлар ходимларининг ўзлари барчага ўрнак ва намуна бўлишлари зарур, деб ўйлайман.

Тизимга замонавий технологиялар ва иш услубларни жорий этиш, профессионал етук кадрларни тайёрлаш, соҳа ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратишимиз лозим.

Ички ишлар тизимидagi ислохотларимизнинг амалий натижасини соҳанинг ҳар бир ходими, биринчи навбатда, халқимиз узининг кундалик ҳаётда сезиши учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Фурсатдан фойдаланиб, фидо-корона меҳнатингиз, Ватанимиз ва халқимизга садоқатингиз учун барча юртдошларимиз номидан чукюр миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги кутлуг байрам билан яна бир бор самимий таъинқлаб, барчангизга мустақам соғлиқ, оилангизга файзу барака, масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ
КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ
ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

"Дўстлик" ордени билан

Ахмедова Асия Мустафаевна — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги тергов бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси

Бекмурзаев Азамат Ережелбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Транспортда хавфсизлиқни таъминлаш бошқармаси Нукус аэропортида хавфсизлиқни таъминлаш бўлими бошлиғи

"Жасорат" медали билан

Арипов Қурбонали Абдурахимович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиғи бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Сидиков Дилшод Ғайратович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти отряд кичик мутахассиси

Собитов Жобирхон Содикхонвич — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Саидов Одилбек Кудратович — Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

Сиражова Махфуза Эшмурзаевна — Тошкент вилояти Чиноз тумани ички ишлар бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори

Умаров Аслитдин Мухтарович — Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси патруль-пост хизмати сафдор ходими

Умедов Мехриддин Хамидович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими

Хайитбоев Хамидулло Мирабдулло ўғли — Андижон вилояти Избоскан тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Хомидов Юрсунали Шокирович — Фарғона вилояти Фарғона тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

"Шуҳрат" медали билан

Душамов Дилшод Кузйбаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаменти ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

Қаландаров Баходир Сапаевич — Хоразм вилояти Янгиариқ тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Норматов Тўланбой Абдуназарович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиғи бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Талбабаева Наргиза Абдурасулновна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ва туризм объектларида хавфсизлиқни таъминлаш департаменти инспектори

Фаттуллаев Бобир Нематович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

Худойқулов Алишер Абдумажидович — Қашқадарё вилояти Қамаш тумани ички ишлар бўлими 2-ички ишлар бўлими бошлиғи

Эгамбердиев Фозил Сафарбоевич — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

Юсупов Қаҳрамон Юлдашбоевич — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиғи бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2022 йил 24 октябрь

МИЛЛИЙ КАДРЛАР ЗАХИРАСИ

БЎЛАЖАК РАЎБАРЛАР УЧУН
МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида миллий кадрлар захирасига киритилган номзодлар учун қисқа муддатли малака ошириш курси якунланди

Мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ислохотларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши, биринчи навбатда, давлат хизматчиларига боғлиқ. Шу боис, замонавий эҳтиёжларга жавоб берадиган давлат хизмати аппаратини шакллантириш устувор вазифага айланди.

"Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун бу борада муҳим дастуруламал бўлаётди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши "Халқ давлат органлари халққа хизмат қилиши керак" деган тамойилни тўла рўёбга чиқариш, давлат фуқаролик хизматининг ташкилий-ҳуқуқий механизмининг тартибга солиш учун муштаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлди.

Қонунда белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, бугунги кунга келиб, давлат органлари ва ташкилотларидаги раҳбарлик лавозимлари учун кадрлар захирасини шакллантириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда Давлат бошқаруви академияси томонидан ишлаб чиқилган махсус дастур асосида миллий кадрлар захирасига киритилган номзодлар учун қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этиляпти.

Навбатдаги курсда Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридан миллий кадрлар захирасига олинган номзодлар малака оширди.

Ўқув давомида ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлар ташкил этилди. Машғулотларни тегишли вазирилик ва идоралар раҳбарлари,

Давлат бошқаруви академияси профессор-ўқитувчилари олиб борди. Тингловчиларга "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун мазмун-моҳияти, замонавий раҳбар қиёфаси, ҳокимлик институтининг институционал ва функционал жиҳатлари, маҳаллалардаги ҳоким ёрдочилари фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ислохотлар хусусида билим ва кўникма берилди. Давлат хизматида жамоатчилик билан алоқалар ва медиа саводхонлик каби бир қатор муҳим йўналишларда бугунги кун раҳбарлари учун зарур маълумотлар тақдим этилди, маъсул раҳбарлар билан очик мулоқотлар ўтказилди. Конструктив руҳда ўтган очик мулоқотларда тизимда мавжуд муаммолар ҳақида фикрлашилди, тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди, тақлифлар берди.

Ўқув жараёнида тингловчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизими, коррупцияга қарши кураш, давлат хизматини рақамлаштириш, бошқарув маҳорати йўналишларидаги интеллектуал ва профессионал салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги бош инспектори Темурабдуллаев. — Ушбу ўқув курсини якунлаган номзодлар келгусида вазирилик ва идораларда таъриба орттириш

мақсадида амалиёт ўтади. Бу тадбирлардан кўзланган мақсад — республика, тармоқ ва ҳудудий даражаларда профессионал тайёланган самарали раҳбар кадрлар захирасини шакллантириш.

Давлат фуқаролик хизматида, айниқса, раҳбарлик лавозимини ишлаш катта маъсулиятли вазифа, — дейди малака ошириш курси тингловчиси, Сергели тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Акмал Жумабоев. — Юртимизда бундай шарафли ишда муносиб фаолият юритиш учун барча шароитлар яратилган. Аммо муайян масалалар ҳам борки, уларнинг оқилона ечимини топиш раҳбар зиммасига катта маъсулият юклайди. Малака ошириш курси бу борада маҳорат раҳбарлар учун катта маҳорат мактаби бўлди. Олимлар ва кўп йиллик таърибага эга раҳбарлар бизга ўз билим ва таърибасини ўргатди. Иш фаолиятимизда учраётган муаммоларни вазириятлар юзасидан саволларимизга атрафлича жавоб олди. Бу ерда орттирган билим ва таърибамиз келгусида ҳудудларни ривожлантириш бўйича ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга оширишимизда ниҳоятда асқатади.

Малака ошириш дастуридан нафақат назарий, балки амалий машғулотлар, маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўрин олди. Жумладан, тингловчилар Ўзбек миллий академик драма театрида Усмон Азим асарига асосида сахналаштирилган "Адолат фасли" тарихий драмасини томоша қилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ОДАМИЙЛИК – ЭНГ ОЛИЙ МЕЗОН

Ҳар қандай шароитда ҳамжиҳат бўлиш, бир-бирига кўмаклашиш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш халқимизга хос фазилат. Наманган вилоятида ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга эҳтиёжидан келиб чиқиб ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. Жумладан, вилоятда "Темир дафтар"га киритилган 39 минг 60 та оиладан 36 минг 510 таси дафтардан чиқарилгани бу борада олиб борилаётган чора-тадбирлар самарасидан дарак беради. Йил давомида "Темир дафтар"даги ва кам таъминланган оилаларга "Саховат ва кўмак" жамғармасидан 27,3 миллиард сўм маблағ ажратилиб, мақсадли йўналтирилди.



Али ибн Сино беморлар давосининг ярми уларнинг кўнглини кўтариш, меҳр кўрсатишда эканини айтганда ҳикмат бор.

Поп тумани Ўрта Марғизор маҳалласида яшовчи Зебохон Қаҳҳорова узоқ йиллар мактабда фаррош бўлиб ишлаган. Охириги йилларда бугимларидеги шамоллаш оёғида оғриқларни кучайтирди... Келачилик Бузахро Жўраева эса тўрт йилдири, инсульт асорати туфайли муолажа олади, 1 гуруҳ ногирони. Олти нафар фарзанднинг онаси, почта алоқа тизими фахрийси. Бу иккала аёлнинг даволаниши учун уларга махсус жамғармадан моддий ёрдам ажратилиши белгиланди.

Вилоят марказининг "Учкун" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Анвархон ая Ғайбуллаева узоқ йиллар маҳалла тизимда ишлаган, бир неча йилдан буён нафақада. Ая қоронавирусга чалиниб, узоқ даволанди, аммо касаллик ҳаракат аъзоларида оғриқ қолдирди. Дори-дармонлар сотиб олиш учун унга "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағларидан молиявий ёрдам расмийлаштирилди.

Учқўрган тумани "Туркистон" МФИда истиқомат қилувчи Набижон ота Абдуллаевни хурмат билан тилга олишди. Сақсон ёши қоралаётган отахон халқ хизматида ҳалол ишлаган. Дард кексаликда уни ҳам четлаб ўтмади: 2020 йилда икки марта кўз жарроҳлик амалиётини ўтказди.

Кексаёган вақтимизда ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратишяпти, ҳатто бозор-ўчаримизни, озиқ-овқатимизни уйимизга келтириб беришяпти, — дейди Набижон ота. — Маҳалланинг ёшу кексаси ёлғизлатиб қўймапти. Улар ҳаққига дуодаман, барака топишсин.

Али ибн Сино беморлар давосининг ярми уларнинг кўнглини кўтариш, меҳр кўрсатишда эканини айтганда ҳикмат бор.

Поп тумани Ўрта Марғизор маҳалласида яшовчи Зебохон Қаҳҳорова узоқ йиллар мактабда фаррош бўлиб ишлаган. Охириги йилларда бугимларидеги шамоллаш оёғида оғриқларни кучайтирди... Келачилик Бузахро Жўраева эса тўрт йилдири, инсульт асорати туфайли муолажа олади, 1 гуруҳ ногирони. Олти нафар фарзанднинг онаси, почта алоқа тизими фахрийси. Бу иккала аёлнинг даволаниши учун уларга махсус жамғармадан моддий ёрдам ажратилиши белгиланди.

Вилоят марказининг "Учкун" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Анвархон ая Ғайбуллаева узоқ йиллар маҳалла тизимда ишлаган, бир неча йилдан буён нафақада. Ая қоронавирусга чалиниб, узоқ даволанди, аммо касаллик ҳаракат аъзоларида оғриқ қолдирди. Дори-дармонлар сотиб олиш учун унга "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағларидан молиявий ёрдам расмийлаштирилди.

Учқўрган тумани "Туркистон" МФИда истиқомат қилувчи Набижон ота Абдуллаевни хурмат билан тилга олишди. Сақсон ёши қоралаётган отахон халқ хизматида ҳалол ишлаган. Дард кексаликда уни ҳам четлаб ўтмади: 2020 йилда икки марта кўз жарроҳлик амалиётини ўтказди.

Кексаёган вақтимизда ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратишяпти, ҳатто бозор-ўчаримизни, озиқ-овқатимизни уйимизга келтириб беришяпти, — дейди Набижон ота. — Маҳалланинг ёшу кексаси ёлғизлатиб қўймапти. Улар ҳаққига дуодаман, барака топишсин.

Учқўрган тумани "Туркистон" МФИда истиқомат қилувчи Набижон ота Абдуллаевни хурмат билан тилга олишди. Сақсон ёши қоралаётган отахон халқ хизматида ҳалол ишлаган. Дард кексаликда уни ҳам четлаб ўтмади: 2020 йилда икки марта кўз жарроҳлик амалиётини ўтказди.

Кексаёган вақтимизда ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратишяпти, ҳатто бозор-ўчаримизни, озиқ-овқатимизни уйимизга келтириб беришяпти, — дейди Набижон ота. — Маҳалланинг ёшу кексаси ёлғизлатиб қўймапти. Улар ҳаққига дуодаман, барака топишсин.

Хотин-қизлар ва ёшлар доимий эътиборда

Хотин-қизларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш — давлатимиз сиёсатининг устувор масалаларидан бири. Вазирадвор ҳолиса, биров сабр қилади. Наманган туманидаги "Маллаҳову"да истиқомат қиладиган Мавлудхон опа Хайдарова меҳнаткаш аёл. Узоқ йиллар ипак қурти боқиб, халқ хизматида бўлган. Афсуски, кейинги йилларда опанинг соғлиги намоянашган: жигар циррози ташхиси билан даволаняпти. Уғил фарзанди йўқ, қизларини узатган. Онахон ногиронлик аравчасига муҳтож эди ва бу масала зудлик билан ҳал этилди.

Хаста жонлардан хабар олиш — хайрли йомуш. Буюк бобокалонимиз Абу

Дардга дармон бўлиб...

Инсон қадрини, айниқса, беморлигида ундан ҳол сурашда билинади. Кимдир дарвор ҳолиса, биров сабр қилади. Наманган туманидаги "Маллаҳову"да истиқомат қиладиган Мавлудхон опа Хайдарова меҳнаткаш аёл. Узоқ йиллар ипак қурти боқиб, халқ хизматида бўлган. Афсуски, кейинги йилларда опанинг соғлиги намоянашган: жигар циррози ташхиси билан даволаняпти. Уғил фарзанди йўқ, қизларини узатган. Онахон ногиронлик аравчасига муҳтож эди ва бу масала зудлик билан ҳал этилди.

Хаста жонлардан хабар олиш — хайрли йомуш. Буюк бобокалонимиз Абу

11 ёшли набираси Абзалбекнинг юрагида нуқсон борлиги учун шу йили жарроҳлик амалиёти ўтказилган. Урганишлардан кейин бу оилга ёрдам кўрсатилди, жумладан, уй-жойи таъмирлаб берилди.

— Муштақилик байрами арафасида раҳбарлар хонадонимизга ташриф буюрганидан кунлигимиз кўтарилди, — дейди Ҳажимжон ота. — Соғлигимдаги муаммо ва бир неча фарзандим касалланиб, кетма-кет оламдан ўтгани сабабли ҳар тарафлама мушкул вазиятда эдим. Йўқ, ҳукуматимиз, халқимиз эътибори кўлдирмади. Келиб хабар олиб, уй-жойимизни таъмирлаб беришларини айтишганида қувондим. Бу ҳар жиҳатдан далла бўлди. Ҳаммаларидан миннатдоримиз, умрлари узоқ бўлсин.

Наманган тумани Тепа Қиёт маҳалласида яшовчи Уғилхон ая Рустамова 1 гуруҳ ногирони. Қуриш ва эшитиш билан боғлиқ мунтазам даволаниши туфайли молиявий қийинчилик юзага келган. Маҳалла фуқаролар йиғини



Ободлик кўнгиладан бошланади

Умр йўли мураккаб, тақдирлар бир-бирига ўхшамайди. Мингбулоқ тумани "Ешлик" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Ҳажимжон ота Бобононов кўп йиллардан буён хаста.

Орифжон ЖўРАЕВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКЛАР ВА ТУРКМАНЛАР — БОЙ МАДАНИЙ, ИЛМИЙ АНЪАНАЛАРНИНГ ВОРИСЛАРИ ВА САҚДОВЧИЛАРИ

Анвар НОСИРОВ, Марказий Осиё халқаро институти директори

Ўзбекистон қўшни Туркманiston билан ҳамкорлик алоқаларини мустахкамлашга устувор аҳамият қаратиб келади. Миллий анъаналар, муштарак дин, тил ва маданий яқдилликка асосланган ҳамкорлик чуқур тарихий илдизларга бориб тақалади.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил март ойида Туркманistonга илк ташири қардош халқлар ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада фаоллаштириб, унинг истиқболлари ва бугунги ҳолати учун мустахкам пойдевор яратди. Бу галги ташир ҳам мамлакатларимиз етакчиларининг очик ва ўзаро ишончга асосланган мулоқотлари самараси ўлароқ, кўп қиррали ўзбек-туркман стратегик шериклиги мустахкамлашига замин яратди.



Олий даражадаги музокаралар якунлари бўйича Стратегик шерикликини чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация имзоланиши томонларнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт коммуникацияси, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда мавжуд салоҳиятини амалга оширишга туртки бўлди. Олий даражадаги музокаралар якунлари бўйича Стратегик шерикликини чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация имзоланиши томонларнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт коммуникацияси, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда мавжуд салоҳиятини амалга оширишга туртки бўлди.

намояндалари яқиндан ҳамкорлик қилиб, фаол иштирок этади. Ўзбеклар ва туркманлар бой маданий ва илмий анъаналарнинг ворислари ва сақловчиларидир. Буюк шоир ва мутафаккирлар — Алишер Навоий ва Махтумқули ижоди халқларимизнинг умумий мероси ҳисобланади. Тошкент шаҳрида Махтумқули номидаги кўча ва унинг барельефи очилиши, Халқлар уйи ташкил этилиши мустахкам дўстлик, бирлик ва маданий яқинликнинг ёрқин рамзидир.

Ўзбекистонда яшаётган 200 минг туркманга миллий анъаналари ва маданиятини ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни мустахкамлашда Республика туркман маданият маркази томонидан мувофиқлаштирилган олтига маданий маркази, Ўзбекистон — Туркманiston дўстлик жамияти фаолиятининг улкан ўрни борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда туркман халқининг маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш ва тарғиб этиш мақсадида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, таълим туркман тилида олиб бориладиган 40 дан зиёд мактаб фаолият қуратамиз. Таълим соҳасида икки давлат ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан биридир. Бугунги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртиларида туркманistonлик 1,8 мингдан ортиқ йигит-қиз таҳсил олмоқда.



Ўзаро алоқаларга қизиқиш ортиб бораётганини ҳисобга олсак, ушбу йўналишда катта истиқболлар мавжуд. Таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик, шубҳасиз, маданий ҳамкорликни бойитиш жараёнида муносиб ҳисса қўшиб, ёшлар ўртасидаги мулоқотни, қардошлигимизни мустахкамламоқда. Шу боис, Президентимиз таълим ва тарбия азал-азалдан давлатлар ва халқлар тараққиётини белгилаб берувчи, уларнинг қудратини юксалтирувчи куч бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Мамлакатлар ўзаро ҳамкорлигининг деярли барча соҳаларида икки томонлама муносабатларни мустахкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда ва салмоқли саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УЗВИЙ ҚИСМИДИР

Мамлакат тараққиётида таълим асосий ўрин эгаллайди. Тарихга назар ташласак, ривожланган давлатлар бу соҳага юрт келажиги, тараққиётнинг муҳим шарти сифатида эътибор қаратиб келганига гувоҳ бўламиз. Ҳатто ҳозир ҳам иқтисодий жиҳатдан барқарор юртлар ўз бюджетининг асосий қисмини ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш учун сарфлайди.



Комилжон КАРИМОВ, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари

Шу боис, уларнинг ижобий тажрибасидан унумли фойдаланиш, таълим жараёнини интеграциялаш асосида жамият ривожининг муҳим йўналишларини белгилаш мамлакатимиздаги бугунги ислоҳотларда ҳал қилувчи ўрин тутади. Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасида олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик

ўтди. Иккинчи форум Президентимизнинг 2021 йил 16-17 ноябрь кунлари Россия Федерациясига давлат ташири арасида Москва шаҳрида ўтказилди. Россия ва Ўзбекистон университетлари ректорларининг худудлараро конференцияси ҳам икки давлат олий таълимидagi муҳим платформалардан. Ушбу ҳамкорлик доирасида университетлар ўртасидаги ўзаро мулоқот муҳокама қилинади. Ҳозиргача Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртилари ректорларининг минтақалараро учта конференцияси бўлиб ўтди. Масалан, Бухоро шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртилари ректорларининг худудлараро учинчи конференциясида икки давлат олий таълим соҳаси мутасаддилари билан бирга ректор ва проректорлар ҳам иштирок этди. Анжуманда 23 та университетлараро ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Умуман олганда, Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртилари ўртасида ҳамкорлик бўйича 800 га яқин шартнома ва меморандум мавжуд. Давлатларимиз ўртасидаги илмий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари физика, кимё, материалшунослик, спектроскопия, астрономия ва астрофизика каби муҳим соҳаларга қаратилган. Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртиларининг профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, талабалари ҳар икки томонда ўтказиладиган ўқув, илмий-техникавий ва маданий тадбирларда мунтазам иштирок этапти.

“РОССОТРУДНИЧЕСТВО” АГЕНТЛИГИ МУТАСАДДИЛАРИНИНГ МАЪЛУМ ҚИЛИШИЧА, МАМЛАКАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА 2023/2024 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОНЛИК АБИТУРИЕНТЛАРГА ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТ ҲИСОБИДАН ЎҚИШ КВОТАСИ 800 ЎРИНГА ОШИРИЛГАН. ЖОРИЙ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН БУ КўРСАТКИЧ 750 ЎРИННИ ТАШКИЛ ЭТГАНДИ.

қўлами кенгайиб бормоқда. Биргина 2021 йилда мамлакатимизда Россиянинг 4 та нуфузли олий таълим муассасаси филиали очилгани бу соҳадаги самарали ҳамкорликнинг ёрқин намунаси.

Икки давлат олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро академик алмашинув йўлга қўйилиб, профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириши, талабаларнинг турли грант лойиҳаларда қатнашиши мунтазамлик касб этмоқда. Таълимдаги ҳамкорлик ривожига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда “Россотрудничество” агентлиги ўртасидаги изчил муносабатлар эътиборга молик.

2019 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги делегацияси Россия Федерацияси Фан ва олий таълим вазирлигида бўлди. Йиғилишда олий ўқув юртилари филиалларини ташкил этишнинг ягона механизми ишлаб чиқиш, филиаллар очилиши муносабати билан Россия Федерацияси олий таълим муассасалари ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Ҳамкорликдаги вазифаларни бажариш юзасидан баённома қабул қилинди. Шунингдек, вазирликлар ўртасида иккита видеоконференция ўтказилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил эътирилмоқда.

Бу йил ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Россия Федерациясининг тегишли ташкилоти ва тузилмаларининг мутасаддилари мамлакатларимиз олий таълим тизимидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш ва янада ривожлантириш бўйича бир неча бор учрашув, йиғилиш, онлайн мулоқотлар ўтказди. Уларнинг самараси ўлароқ икки давлат олий таълим тизими ҳамкорлигининг янги истиқболлари белгиланди.

Жумладан, шу йил 22-24 сентябрь кунлари Тошкент давлат иқтисодий университетига “Россия таълими. Тошкент — 2022” мавзусидаги кўргазма-ярмарка юқори савияда ўтказилгани айна ҳамкорликнинг амалий ифодасидир. Бу лойиҳа “Россотрудничество”нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди. Кўргазмада Россиянинг 56 та олий ўқув юрти қатнашди.

“Россотрудничество” агентлиги мутасаддиларининг маълум қилишича, мамлакат олий таълим муассасаларида 2023/2024 ўқув йили учун ўзбекистонлик абитуриентларга федерал бюджет ҳисобидан ўқиш квотаси 800 ўринга оширилган. Жорий ўқув йили учун бу кўрсаткич 750 ўринни ташкил этганди. Ўзбекистон ва Россия олий таълим тизимининг ҳамкорлик механизми чуқур, тадрижий, изчиллик таъминлагани таянади. Кейинги 4-5 йилда икки давлат ўртасида олий таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишга доир икки томонлама платформаларнинг қўллаб-қувватлаш шартлари яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бўйича мулоқотлар комиссияси ҳузуридаги Фан ва таълим бўйича қўйи қўмита мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ тузилган. Ўзбекистон томонидан ҳамраис Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Россия томонидан эса Таълим ва фан вазирлигидир.

Шу кунгача қўйи комиссиянинг тўртта мажлиси бўлиб ўтди. Кичик қўмита йиғилишларида мактабгача, умумий ўрта, касб-ҳунар ва олий таълим соҳасидаги ҳамкорликка оид кенг қўламли масалалар, илмий алоқалар муҳокама қилинди. Икки мамлакат олий таълим тизимини ривожлантиришга доир муносабатларда Ўзбекистон — Россия таълим форуми ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу платформа кун тартибидан давлатларимиз ўртасида таълимнинг барча босқичи, жумладан, мактабгача таълимдан то илмий ҳамкорликкача бўлган масалалар ўрин олган.

2018 йилнинг 18 октябрь куни Тошкент шаҳрида биринчи Ўзбекистон — Россия таълим форуми бўлиб

Бугунги кунга қадар Ўзбекистонда Россиянинг 15 та етакчи олий ўқув юрти филиаллари ташкил этилган. Улардан 12 таси 2018-2021 йилларда очилган. Мазкур филиалларда 6 мингдан ортиқ талаба таҳсил олмоқда, 267 нафар профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда. Филиалларда 47 таълим йўналиши бўйича ўқув жараёни олиб борилади. Маълумотларга кўра, Россия олий ўқув юртиларида 49 мингга яқин Ўзбекистон фуқароси таълим олмоқда ва мамлакатдаги талабалар сони бўйича Қозғонстандан кейин иккинчи ўринда туради.

Ўзбекистон ёшлари Москва, Санкт-Петербург, Қозон, Воронеж, Уфа, Тверь, Иваново ва бошқа шаҳарлардаги олийғоҳларда муҳандислик, ветеринария, сув ресурслари, қончилик, металлургия, биотехнология, технология, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш, гидротехника қурилиши, метеорология хизмати, атом энергияси каби муҳим йўналишлар бўйича таълим олмоқда.

Бундан ташқари, Россия олий ўқув юртиларининг Ўзбекистонга келувчи комиссиялари орқали мамлакатимиздан ҳар йили 1000-1500 нафарга яқин абитуриент ушбу давлатларда олий ўқув юртига ўқишга қиради. Умуман, ҳар йили Россиянинг 50 та университети малака ошириш, таълим кўргазмаларини ўтказиш ва потенциал абитуриентлар билан учрашиш учун имконият яратади.

“Россотрудничество”нинг Тошкентдаги ваколатхонаси маълумотларига кўра, 2018/2019 ўқув йилида Россия олий ўқув юртиларида федерал бюджет ҳисобидан ўқиш учун ўзбекистонлик абитуриентларга квота 203 ўринни ташкил қилган. Абитуриентларнинг Тошкентдаги Россия фан ва маданият марказида имтиҳон топшириб, мамлакат олий ўқув юртига ўқишга қабул қилинган. 2019/2020 ва 2020/2021 ўқув йиллари учун квота 230 та этиб белгиланган. 2021/2022 ўқув йили учун 420 ўрин ажратилган. Жорий ўқув йилида Россия томони Ўзбекистон Республикаси учун квотани 750 ўринга етказди.

Мамлакатимиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳар йили юртимиз иқтисодиёти учун талаб юқори бўлган мухтассисликлар рўйхатини тузади ва Россия Федерацияси Таълим ва фан вазирлигига тавсия сифатида тақдим этади. Икки давлатнинг олий таълимдаги ҳамкорлигида қўшма таълим дастурлари муҳим ўрин эгаллайди. 2021/2022 ўқув йилида Россия Федерацияси олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларига Ўзбекистондан абитуриентларни қабул қилиш бўйича умумий квота 4530 тани ташкил этди. Жумладан, бакалаврият йўналишлари бўйича 3937, магистратура мухтассисликлар бўйича 593 ўрин ажратилган.

Утан ўқув йилидан Россия университетлари билан таълимнинг қўллаб-йўналиши бўйича қўшма дастурлар тузилган. Булар: тиббиёт, жумладан, дорихона, стоматология, педиатрия, муҳандислик-техника мухтассисликлар, иқтисодий ва молия.

Икки давлат олий таълим тизимидаги янги режалар, истиқболдаги чора-тадбирларни белгилашда шу йилнинг 26-27 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган Ўзбекистон — Россия учинчи таълим форуми катта аҳамиятга эга. Форумда икки томондан 200 дан ортиқ олий таълим муассасалари раҳбарлари, ишлаб чиқариш қорхоналари вакиллари, вазирлик ва идоралар масъуллари иштирок этади. Яқунда 100 га яқин ҳамкорлик шартномалари имзоланиши кутилмоқда.

Шартномаларнинг аксарият қисми Россияда ривожланган технологик ишлаб чиқариш соҳалари тажрибасини мамлакатимиз олий таълим муассасаларида татбиқ этишга қаратилган. Форум доирасида Ўзбекистон олий таълим муассасалари ва Россия ишлаб чиқариш секторлари ўртасида интеграцияни йўлга қўйиш, муҳандислик-технология, энергетика, кимё sanoati соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш жараёни кенгайтирилади.

УСМОН АЗИМ:

ADIBLAR XIYOBONI

АДАБИЁТИ БОР ЭЛНИНГ РУҲИ БАҚУВВАТ БЎЛАДИ



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

АДИБ ВА ЖАМИЯТ

Ҳақиқий адабиёт санъаткорлик завқи билан яратилган гўзал, муҳташам асар...



— Сухбатларингизнинг бирида “Адабиёт бўлмайдиган миллат йўқ...

— Давлатимиз раҳбари 2017 йилнинг 3 августида Ўзбекистон ижодкор зиё...

Айтмоқчиманки, адабиёт бор халқ ўзининг қилмигини англайди. Ўзбек адабиёти...

Адабиётсиз одамлар мисоли робот. Пул топади, ейди, ичди, умрини ўтказди...

Ҳозир инсоният қизиқ даврни бошдан кечирапти: янги технологиялар — телефон, интернет ҳаётимизга кириб келди...

муҳташам иморат қуриш қўлидан келмайдиган мана шу одамлар, яъни зиёлилар адабиётни яратди.

Албатта, соф реалистик адабиёт нуқтаи назаридан бу жуда тўғри. Бироқ янги замон тасвири энди фақат бу ўнчамадди қонунятларга сиймайди.

Абдулла Орипов шеърятини тасаввур қилсангиз, у адабиётга ўзининг лексикаси, ўзининг оҳанги, янги сўзлари билан кириб келди.

Ўзбек жуда катта халқ. Ҳар жойда ҳар хил шевада гаплашадиган, турмуш тарзи бир-бириникидан фарқ қиладиган худудларимиз жуда кўп.

Чунки жамиятда кечаётган воқеалар, талотумлар, ҳаттоки ривожланиш ҳам унинг юраги, кўнгли руҳияти оралаб, баъзан зийб, босиб ҳам ўтадики, асло бези кетмайди.

тасаввур пайдо бўлади. Одамлар адабиётда ўзини таний бошладими, демак, бу яхши асарлар юзага келди дегани.

— Ижодингизда бошқаларникига ўхшамайдиган ўзига хослик мавжуд. Ана шу шиддат адабиётда қўллаб истеъдодларнинг майдонга чиқишига асос бўлди.

— Одамнинг битта ўзи ҳаётини, тақдирини ёзишни ундайли оlishи — бутун жамиятнинг дардини ёзиш билан баробар.



Чунки жамиятда кечаётган воқеалар, талотумлар, ҳаттоки ривожланиш ҳам унинг юраги, кўнгли руҳияти оралаб, баъзан зийб, босиб ҳам ўтадики, асло бези кетмайди.

Ҳазрат айтди: Демангиз, аҳбобким, қилмасмусен бас йўғламоқ, Ким, манга тенгри насиб этмиш туғанмас йўғламоқ.

“Менга Тангри тўхтамайдиган, тугамайдиган йўғи берган, фиғон берган”, дейди. Бунинг тагида жуда катта гап бор.

Мени шайдо қилдурган бу кўнгулдор, бу кўнгул, Хору расво қилдурган бу кўнгулдор, бу кўнгул,

— дейди Мавлоно Лутфий. “Хору расво қилдиган” — оддий сўзлар, лекин унинг маъносини бир чақиб кўринг.

Саволингиз аввалдада ортингиздан эргашганлар ҳам бор, деган маънода гапирдингиз. Нимага эргашди? Чунки менин кўнглим ялангоч.

— Драмурияги соҳасида сиз ёзган пьесалар халқимиз учун маънавий маёқ вазифасини ўтаб келаётир.

— Мен драмурияга келишим керак эди, деб ўйлайман. Аввал ёзганларимиз ўқи, менга драмуриядан ҳам насиба берилган экан, дейман.

— Мен 10-15 чоғли ёшларга сабоқ берман, ҳамма ёшларга эмас. Шу сабаб, улар ҳақида бирор нарса дея олмайман.

Яқинда Қодир баҳши ҳақида эссе ёздим. Ушанда баҳшиёна ҳақида кўп гапларни айтдим. Узим болалигимдан бахшиларни севиб эшитганман.

— Биз Усмон Азим деганда катта шоир, етук драмуриг, ўз услубига эга ажойиб ёзувчини кўраимиз.

— Нима куч беради, билмайман. Ростини айтман. Парвардигор умринг бўйи шу ишни қилсан, деб яратган бўлса, демак, у ишни ташлаб кета олмайсиз.

драмурия адабиётнинг алоҳида тури. Лекин ниҳоятда қийин йўналиш. Проза ёзадиганлар баъзан ўзининг муаллифлик ишини олиб келади...

Чунки ўзим Ўзбек миллий академик драма театрида хизмат қиламан. Ёш адибларга “Бирор нарса ёз”, деб буюртма берган пайтларим бўлди.

Мен фаолият юритаётган отахон театринг талаблари ҳам катта. Драма ёзиб келадиганлар бўлади, аммо театринг талабига жавоб берадиганлар, бирдан келиб, катта бир асарни тақдим қиладиганлар кам.

Бундай ўйласа, адабиёт Парвардигор инъом қилган тўхфа-да. Уни бошқа тўғулар билан қориштириш ниҳоятда бемаънилик.

— Бахшиёна туркуми — ижодингизнинг гултожи. Айниқса, Алломишнинг маънавий ҳаётимизга қайтишини ноёб адабий ҳодиса, дейиш мумкин.

— Мен 10-15 чоғли ёшларга сабоқ берман, ҳамма ёшларга эмас. Шу сабаб, улар ҳақида бирор нарса дея олмайман.

Яқинда Қодир баҳши ҳақида эссе ёздим. Ушанда баҳшиёна ҳақида кўп гапларни айтдим. Узим болалигимдан бахшиларни севиб эшитганман.

— Биз Усмон Азим деганда катта шоир, етук драмуриг, ўз услубига эга ажойиб ёзувчини кўраимиз.

— Нима куч беради, билмайман. Ростини айтман. Парвардигор умринг бўйи шу ишни қилсан, деб яратган бўлса, демак, у ишни ташлаб кета олмайсиз.

бўлиб чиқади охир-оқибат. Сиз агар бир шахс бўлсангиз ва бу шахс Ватани соғинса, Ватани билан юзма-юз қуришнинг истаса, қиёфасини ўзича тасаввур қиладиган бўлса ёки бошдан кечираётган изтиробини гўзал шаклда бошқаларга ўқадиган, бошқаларнинг кўнглига бориб етадиган тарзда айтишининг маромига тушган бўлса, эҳтимол, ана шу ижодкорга куч берад.

Шеър — Худонинг бир инояти. Уни қандай ёзиш кераклигини одам билмайди. Аввал ҳам кўп тақорлаганман ва яна қайта айтман.

Ушанда воҳ, манга яратиқ, қодоз ва қалам билан рўбарў бўлганида, албатта, илҳом келади. Энг яхши шеърлар, аслида, бадиҳа шеърлар.

— Ўзликни англаш изтиробининг асоси нима беради?

— Биз озодлик, эрк ҳақида гапираримиз. Бунинг чегараси қаерда эканини ким биллади?

— Мен 10-15 чоғли ёшларга сабоқ берман, ҳамма ёшларга эмас. Шу сабаб, улар ҳақида бирор нарса дея олмайман.

— Биз Усмон Азим деганда катта шоир, етук драмуриг, ўз услубига эга ажойиб ёзувчини кўраимиз.

— Нима куч беради, билмайман. Ростини айтман. Парвардигор умринг бўйи шу ишни қилсан, деб яратган бўлса, демак, у ишни ташлаб кета олмайсиз.